

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

Кўлёзма хуқуқида

УДК: 336.7(575.1)

БОБОБЕКОВ ФАРХОД РУСТАМОВИЧ


**ЎЗБЕКИСТОНДА ФАКТОРИНГ АМАЛИЁТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

08.00.07- Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илемий даражасини олиш учун тайёрланган**

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар:
и.ф.н. доц, Ф.Ў.Додиев**



Тошкент - 2022

1145

11

МУНДАРИЖА:

КИРИШ.....	3
I БОБ. ФАКТОРИНГ АМАЛИЁТИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	12
1.1-§ Факторинг амалиётининг вужудга келиши ва моҳияти.....	12
1.2-§ Факторингнинг турлари ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....	30
1.3-§ Факторингни амалга ошириш бўйича хориж тажрибаси.....	53
I боб бўйича хulosalar.....	78
II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ФАКТОРИНГ АМАЛИЁТИНИНГ ЖОРИЙ ҲОЛАТИ.....	80
2.1-§ Факторинг амалиётинини амалга оширишнинг ҳукуқий асослари.....	80
2.2-§ Тижорат банкларида факторинг амалиётининг жорий ҳолати таҳлили.....	96
2.3-§ Факторинг амалиётига таъсир этувчи омиллар.....	110
II боб бўйича хulosalar.....	119
III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ФАКТОРИНГ АМАЛИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....	121
3.1-§ Тижорат банкларида факторингни амалга ошириш билан боғлиқ муаммолар ва ечимлар.....	121
3.2-§ Тижорат банкларида факторинг амалиётини ривожлантириш йўллари.....	131
III боб бўйича хulosalar.....	146
ХУЛОСА.....	148
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	150
ИЛОВАЛАР.....	163

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати Жаҳон иқтисодиётида 2019 йилда бошланган глобал пандемия натижасида мамлакатлар ўртасида иқтисодий алоқалар узилиши ва бир вақтнинг ўзида талаб ва таклиф инқирози юз берди. Бунинг натижасида иқтисодий ўсиш кескин пасайиб, ишлаб чиқариш қисқарди, хизмат кўрсатиш соҳасидаги хўжалик субъектлар фаолияти тўхтаб қолди. Халқаро эксперталар томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, факторинг амалиёти турли хил инқирозлар даврида барқарор молиявий хизматлардан бири ҳисобланади. Бироқ Халқаро Факторинг Ассоциацияси (FCI) маълумотларига кўра, «2020 йил факторинг амалиёти учун энг оғир йиллардан бири бўлди. Умумий факторинг ҳажми дунё бўйича 6,5%га пасайди. Ассоциация маълумотларига таянсак, факторингнинг ўсиш суръатларини 2021 йилда ҳам 2019 йил кўрсаткичларига етказиш имконияти бўлмади»¹. Бундай вазиятда факторинг амалиётини иқтисодиётга мос турлари, хусусан, регресс ҳукуқли, реверсив ва исломий факторингнинг жорий қилиниши муҳим аҳамиятта эга.

Жаҳонда факторинг хўжалик субъектлари томонидан ташки молиялаштиришнинг муҳим манбаларидан бири сифатида кенг тарқалмоқда. Айниқса, молиялаштириладиган маблағ кредит кўринишида эмас, балки хўжалик субъектлари тўғридан-тўғри дебиторлик қарздорлигининг умумий ҳажмига боғлиқлиги улар учун жорий активларни тўлдириш ва айланма маблағлар даврийлигини таъминлаш йўлида кенг имкониятлар эшигини очмоқда. Ривожланаётган давлатларда амалга оширилган илмий тадқиқотларда факторинг кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш йўлидаги драйвер вазифасини бажариши исботланган. Ушбу давлатларда факторингни иқтисодиётга мос турларини амалга ошириш, норматив-ҳукукий ҳужжатларнинг етарли эмаслиги, факторинг бўйича халқаро конвенцияларнинг ратификация қиласмаганлиги, Халқаро Факторинг Ассоциацияси (FCI)га аъзо

¹ <https://fcinl/en/home/institution FCI Annual Review 2021>